

Бағишлов



16:16 / 14.09.2024 2185

Ё Расулulloҳ! Ҳозир сизнинг Ҳиро ғоридан тушиб келиб, ваҳий залворидан титраб турганингизни хаёлимга келтирдим. Қани энди, мен сизни шу ҳолатда бағримла иситсам эди!

Ҳозир сизни Абу Толиб ноҳиясида қамал қилинганингизни тасаввур этяпман. Қани энди, сизни ўз қўлим билан овқатлантириш шарафига муяссар бўлсам эди!

Ҳозир Тоифда бир тўда ахлоқлар сизни тош-бўрон қилишганини хаёлимдан ўтказяпман. Қани энди, ўшанда олдингизда бўлсаму тошлар сизга эмас, менга тегса. Сиз саломат қолсангиз!

Кеча қоронғусида Маккадан ҳижрат қилганингиз хаёлимдан ўтпти. Қани энди, қўлингизни ўпиб, «Фидойингиз бўлай!» дея олсам!

Ҳозир Савр ғорида Абу Бакр розияллоҳу анҳу билан ҳамроҳ бўлганингизни хаёлимдан ўтказяпман. Қани энди, ғор оғзида қалбимни осиб қўйсаму улар менинг қалбимни парчалашса, сизга зарар етмаса!

Ҳозир Уҳуд кунида юзингиздаги қонни артаётганингизни тасаввур қиляпман. Қани энди, ўша зарба менга тегса-да, сиз ундан саломат қолсангиз!

Бир яхудий аёл заҳарлаган қўйнинг қўлини емоқчи бўлиб ушлаб турганингиз кўз ўнгимдан ўтпти. Қани энди, уни қўлингиздан олиб, «Сизнинг ўрнингизга уни мен ейман!» десам!

Бизга диннинг етиб келиши учун қанчалар азоб чекдингиз! Ота-онам сизга фидо бўлсин, Аллоҳнинг Расули!

«Набавий тарбия» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 7 мартдаги 03-07/1506-рақамли ва 2023 йил 24 мартдаги 01-07/1959-рақамли хулосалари асосида тайёрланди.